ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ГАНИЕВ НИХОЛБЕК ВАЛИЕВИЧ

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УДК: 347.627.2 (043.5) (575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Ганиев Нихолбек Валиевич
Телекоммуникация хизматларини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш ……..... 3

Ганиев Нихолбек Валиевич
Совершенствование гражданско-правового регулирования телекоммуникационных услуг …… 23

Ganiev Niholbek Valievich
Improvement of civil legal regulation of telecommunication services ….. 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …… 47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ГАНИЕВ НИХОЛБЕК ВАЛИЕВИЧ

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Yu300 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Имомов Нурилло Файзуллаевич** юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Караходжаева Дилором Мамировна** юридик фанлар доктори, профессор
	Масадиков Шерзодбек Махмудович юридик фанлар номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 16 октябрь соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (981-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар Амир Темур кўчаси 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил 30 сентябрь куни тарқатилди.
(2021 йил 30 сентябрдаги 11-рақамли реестр баённомаси).

И.Р. Рустамбеков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Д.Ю. Хабибуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

С.С. Гулямов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда телекоммуникация хизматларининг турлари ва шакллари кенгайиб бораётганлиги, Интернет имкониятларининг ошиб бориши ва виртуал оламдаги ижтимоий муносабатлар тизимининг шаклланиши уларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда янги йўналишлар ҳамда ёндашувлар шаклланиши ва ривожланишига замин яратмоқда. Жаҳон телекоммуникация хизматлари бозори ортиб бориши муносабати билан бу соҳада қилинаётган харажатлар ҳажми ҳам кўпайиб бормоқда. Хусусан, Жаҳон маълумотлар корпорацияси (IDC)нинг 2019 йил ноябрда эълон қилган телекоммуникация хизматлари бозорининг дастлабки якунларига кўра, мазкур хизмат харажатлари 2019 йилда 1,633 трлн АҚШ долларини ташкил этиб 2018 йилдагидан 0,8%га кўпайган. 2020 йилда эса бу кўрсаткич 0,9%га кўпайиб 1,647 трлнни ташкил этиши кўрсатилган. Ушбу бозорнинг йирик сегменти мобил алоқа ҳисобланиши ва умумий даромаднинг 52,8% шу соҳада қўлга киритилиши, 2019-2023 йилларда эса унинг улуши йилига 1,3% ўсиши қайд этилган. 2019 йилда йирик минтақавий телекоммуникация хизматлари бозори Америкада бўлиб унинг қиймати 630 млрд долларни ташкил қилган ва унинг асосий қисми Шимолий Америка ҳиссасига тўғри келган. Иккинчи ўринда эса Осиё-Тинч океан минтақаси, ундан кейинги ўринда Европа, Яқин Шарқ ва Африка қитъаси жойлашган[1]. Ушбу кўрсаткичлар ўз навбатида, телекоммуникация хизматларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш асосларини янада такомиллаштиришга нисбатан янгича илмий-назарий ёндашувларни ишлаб чиқиш, хизматлар тизими учун амал қилиб келаётган ҳуқуқий механизмларни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Жаҳонда телекоммуникация хизматларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш умумий хизмат кўрсатиш муносабатлари тизимида янги, ҳали шаклланиш босқичида бўлган ҳуқуқий механизм жамланмаси сифатида тадқиқ қилиш бўйича тенденциялар кучайиб бормоқда. Хусусан, жаҳон телекоммуникация бозорида янги тренд – интернет ашёлари ривожланиб бормоқда. Gartnerнинг маълумотларига кўра 2020 йилда интернетга 20,6 млрд қурилма уланганлиги, интернетдаги WAN (кенг қамровли тармоқ) инфратузилмасининг 90% 2023 йилга бориб янгиланиши[2] мазкур хизмат турларини тартибга солишда турли ҳуқуқий механизмларни қўллаш заруратини кўрсатади. Жумладан, телекоммуникация хизматларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда комплекс тусдаги шартномаларни қўллаш, бу борада истеъмолчилар ҳуқуқларининг юқори таъминланганлик даражасига эришиш, маълумотлар махфийлигини таъминлаш, тармоқдаги узилишлар, носозликлар ва шикастланишларни ўз вақтида бартараф этишга доир тегишли чоралар ва воситалар ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар устувор илмий тадқиқот йўналишлари сифатида ўрганилмоқда.

Республикамизда телекоммуникация соҳасининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш рақамли иқтисодиётнинг ажралмас

[1] https://www.cnews.ru/reviews/telekom_2020/articles/mirovoj_telekomrynok_sokrashchaetsya
[2] https://www.cnews.ru/reviews/telekom_2020/articles/mirovoj_telekomrynok_sokrashchaetsya

қисми сифатида кўрилиб, ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастурининг ишлаб чиқилганлиги[1], интернет хизматларининг турлари ва ундан фойдаланувчилар салмоғи ортиб бораётганлиги телекоммуникация хизматларини тартибга солувчи шартномавий-ҳуқуқий базанинг илмий-амалий асосларини, бу соҳада қўлланиладиган шартномалар тизими амал қилишининг ҳуқуқий механизмларини, телекоммуникация хизматлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга нисбатан ихтисослашган ёндашув асосидаги чораларни ишлаб чиқишни зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995, 1996), «Алоқа тўғрисида»ги (1992), «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги (1999), «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги (1997), «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги (2007) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон фармони (2020), «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5464 сонли фармойиши ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Телекоммуникация хизматларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим йўналишлари фуқаролик ҳуқуқи соҳалари мутахассислари томонидан ўрганилган. Чунончи, О.Оқюлов, Ш.Н. Рўзиназаров, С.С. Гулямов, И.Р. Рустамбеков, Н.Ф. Имомов, Қ.М. Меҳмонов, М.Х. Баратов каби юртимиз олимлари асарларида мазкур масаланинг турли жиҳатлари у ёки бу даражада ўрганилган. Хусусан, Ш.Н. Рўзиназаровнинг асарларида рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг фуқаролик-ҳуқуқий масалалари, И.Рустамбеков томонидан интернет тармоғида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш масалалари тадқиқ этилган. Хизмат кўрсатишнинг умумий масалалари Н.С.Нарматов, Т.Мўминовларнинг асарларида тадқиқ этилган[2].

Бевосита телекоммуникация хизматларининг турлари сифатида радио алоқаси хизматини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш К.К. Низаматдинов, телефон алоқаси хизмати кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солиш Р.Х. Хурсанов, бу борада истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020

[2] Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Ж.И. Бобоев ва Н.Ш. Саид-Газиеваларнинг илмий изланишларида қисман ёритилган[1].

Хорижлик олимлардан Ю.В. Волков, Douglas G.Lichtman, Howard A. Shelanski, C.Bennett, С.Ю. Прищепа, J.Cahir, П.У. Кузнецов, О.А. Кузнецова ва бошқалар томонидан телекоммуникация хизматларини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари тадқиқ этилган[2].

Бироқ Ўзбекистоннинг миллий цивилистикасида телекоммуникация хизматларини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш шартномаларини тузиш, оператор (провайдер) ва абонентнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, телекоммуникация хизматлари соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзунинг долзарблигини англатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб, «Телекоммуникация хизматларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш» (2018–2021) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади телекоммуникация хизматларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

телекоммуникация хизматлари тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

телекоммуникация хизматларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш асосларини комплекс ўрганиш;

телекоммуникация хизматлари соҳасидаги шартномалар тизимининг илмий-амалий таҳлилини амалга ошириш;

телекоммуникация хизматларининг бир тури сифатида интернет хизматларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш;

телекоммуникация хизматлари соҳасидаги шартнома шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш масалаларини ўрганиш;

телекоммуникация хизматлари соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш;

хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини тадқиқ қилган ҳолда, телекоммуникация соҳасини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш асослари ва ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

телекоммуникация хизматлари соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни таҳлил қилиш;

---

[1] Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

[2] Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

ушбу соҳадаги илмий хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ҳамда уларнинг қўлланиш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти Ўзбекистонда телекоммуникация хизматларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқот предмети Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация хизматлари билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда юридик илм-фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот давомида тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистика маълумотлари таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оператор ва провайдерлар телекоммуникация хизматларини кўрсатишда кўрсатилган хизматларнинг камчиликларини шартномада, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда бартараф этишга мажбурлиги асослаб берилган;

жисмоний ёки юридик шахс телекоммуникация оператори билан шартнома тузишдан олдин оператордан тақдим этиладиган асосий ва қўшимча телекоммуникация хизматлари рўйхати, нархи ва тарифлари, уланиш ва хизмат кўрсатиш тартиби ҳақида маълумот олишга ҳақли эканлиги асосланган;

оператор, провайдер, Wi-Fi хизмати ташкилотчиси ўз ихтиёрида (бевосита бошқаруви ва назорати остида) бўлмаган маълумотлар узатиш тармоғининг ресурслари, серверлари ва сегментлари мазмуни, улардан фойдаланиш имконияти ва ишлаш қобилияти учун жавобгар бўлмаслиги асосланган;

интернет тармоғи орқали судга келиб тушган сўровга, яъни электрон ҳужжат тарзидаги сўровга ёзма сўровларни расмийлаштиришга нисбатан қўйиладиган талаблар қўлланилиши асослантирилган;

телекоммуникация хизматларини кўрсатишда талаб бўйича бажариладиган шартнома (абонентлик шартномаси) бўйича абонент ижрони тегишли ижрочидан талаб қилишидан қатъи назар, ижрочи тўловни амалга ошириши ёки бошқа ижрони тақдим этиши шартлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

телекоммуникация хизматини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг энг муҳим асосий воситаси сифатида телекоммуникация хизматлари кўрсатиш шартномаларининг тизими аниқланиб, “мижозлар” ва “мижоз бўлмаганлар шартномаси”нинг ўзаро нисбати таҳлил қилинган ва “қора толалар” шартномасига тегишли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга оид қонун ҳужжатларини яратишга доир таклифлар ишлаб чиқилган;

телекоммуникация хизматларини кўрсатишда “абонентлик шартномаси” ҳамда “ҳошияли шартнома” каби янги турдаги шартномаларни миллий

қонунчиликда белгилаш ғояси шакллантирилган ҳамда ушбу шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзида акс эттирувчи махсус қоидалар тизими шакллантирилган ҳамда уларни тегишли қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

телекоммуникация хизматларини кўрсатишда оператор (провайдер) ҳамда ахборот воситачисининг жавобгарлиги аниқлаштирилиб, сифатсиз хизмат кўрсатиш ҳолатларини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқишга нисбатан ёндашувларни бир хиллаштиришга хизмат қилувчи тавсиялар тизими асослаб берилган;

республикада телекоммуникация хизматлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш истиқболларини белгилаш, шунингдек, мазкур соҳани ҳуқуқ соҳалари доирасида ўрганиш ва тараққиёт йўналишларини белгилаш мақсадида «Телекоммуникация ҳуқуқи» янги комплекс ҳуқуқ институти сифатида асослантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ҳуқуқшунослар орасида ўтказилган ижтимоий сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўров шаклларига асосланган, статистика маълумотларини таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар келгусидаги илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, фуқаролик қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда манба сифатида қўллаш ҳамда фуқаролик ҳуқуқи ва телекоммуникация ҳуқуқи фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда олий юридик таълим муассасаларида хусусий ҳуқуқ соҳасидаги фанларни ўқитишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Телекоммуникация хизматларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

оператор ва провайдерлар телекоммуникация хизматларини кўрсатишда хизматларнинг камчиликларини шартномада, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда бартараф этишга мажбурлигига оид таклиф «Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари»ни (рўйхат рақами 3275, 2020 йил 30 июнь) ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини

ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 26 февралдаги 32-8/1452-сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф телекоммуникация хизматларидан фойдаланувчилар – жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтиришга имкон яратган;

жисмоний ёки юридик шахс телекоммуникация оператори билан шартнома тузишдан олдин оператордан тақдим этиладиган асосий ва қўшимча телекоммуникация хизматлари рўйхати, нархи ва тарифлари, уланиш ва хизмат кўрсатиш тартиби ҳақида маълумот олишга ҳақли эканлигига оид таклиф «Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари»ни (рўйхат рақами 3275, 2020 йил 30 июнь) ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 26 февралдаги 32-8/1452-сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектлар – оператор ва провайдерларнинг зиммасидаги мажбуриятлар доирасини аниқлаштиришга оид ҳуқуқий механизмлар амал қилишини кафолатлайди;

оператор, провайдер, Wi-Fi хизмати ташкилотчиси ўз ихтиёрида (бевосита бошқаруви ва назорати остида) бўлмаган маълумотлар узатиш тармоғининг ресурслари, серверлари ва сегментлари мазмуни, улардан фойдаланиш имконияти ва ишлаш қобилияти учун жавобгар бўлмаслигига оид таклиф «Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари»ни (рўйхат рақами 3275, 2020 йил 30 июнь) ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 26 февралдаги 32-8/1452-сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф телекоммуникация хизматини кўрсатувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ноинсоф истеъмолчилардан ҳимоя қилишга имкон берган;

интернет тармоғи орқали судга келиб тушган сўровга, яъни электрон ҳужжат тарзидаги сўровга ёзма сўровларни расмийлаштиришга нисбатан қўйиладиган талаблар қўлланилишига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги 04-сонли «Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 11 декабрдаги Фсҳ-29-20-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф суд фаолиятида интернет хизматларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини таъминлашга хизмат қилган;

талаб бўйича бажариладиган шартнома (абонентлик шартномаси) – абонент талаби билан даврий тўловлар ёки бошқа нарса эвазига иккинчи тараф (ижрочи) келишилган ижрони белгиланган миқдорда ёки ҳажмда ёхуд бошқа шартларда тақдим этишни назарда тутувчи шартномалигига оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5464 сонли фармойиши асосида тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтининг 2021 йил 23 августдаги 2/2-5-42-сон хати). Ушбу таклиф телекоммуникация хизматларини тартибга солишда қўлланиладиган абонент шартномасини қўллаш ва унинг ҳуқуқий табиатини белгилашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, миллий журналларда 5 та, халқаро журналларда 2 та, илмий анжуманларда 4 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Телекоммуникация хизматларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тавсифи”** деб номланган биринчи бобида телекоммуникация хизматлари тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари, телекоммуникация хизматларининг хизмат кўрсатиш тизимида тутган ўрни, телекоммуникация хизматларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш асослари каби масалалар таҳлил қилинган.

Технологик тараққиётнинг бугунги даражаси “телекоммуникация хизматлари” деб номланадиган янги хизмат тури ва уни кўрсатиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий табиатини аниқлаш вазифасини вужудга келтирмоқда. Айни пайтда телекоммуникация хизматлари анъанавий тарзда кўрсатиладиган ва бевосита жисмий кўринишда ифодаланадиган ҳаракатлардан фарқли равишда симсиз амалга оширилиши ҳамда мураккаб физик элементлар ва белгилар билан тавсифланиши билан ажралиб туради.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасидаги хизматлар (хусусан, ахборот, электрон, телекоммуникация соҳасидаги хизматлар)нинг ўрни кундан-кунга ўсиб бориши, шунингдек, ишлаб чиқариш соҳасининг сервис соҳаси билан қўшилиб кетиш жараёни кузатилмоқда. Бу эса ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси ва унинг мазмуни билан боғлиқ

муаммоларни юзага келтиради. Жумладан, хизмат доираси ва турларининг кенгайиб бориши ушбу шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, уларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, ижрочи ва хизмат ўртасидаги муносабатларни шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришни тақозо этади. Мазкур жиҳатлар телекоммуникация хизмати кўрсатиш соҳасига ҳам тааллуқлидир.

“Телекоммуникация” атамаси грек тилидан таржима қилинганда, “tele” – узоқда ва лотинча communico – “умумийлаштираман”, лотинча “communication” – хабар, узатиш маъноларини англатади, яъни бу ерда сўз узоқ масофага хабар етказиш ёки муайян масофадан туриб ахборот олиш мумкинлиги (ахборот “умумийлашуви”) ҳақида кетади. Шу жиҳатдан мазкур атама ахборотни масофадан туриб узатиш бўйича хизмат кўрсатишни англатади ва фойдаланилаётган технологиялар (рангли нурлар, радиотўлқинлаш, бевосита электр импульслар)га боғлиқ бўлмайди.

Тадқиқот ишида телекоммуникация хизматининг юридик тавсифига оид бир қатор хорижий олимлар (Stephen D. Gantz, Daniel R. Philpott, О.А. Зиновьева, Ю.В. Волков)нинг фикрлари ва хорижий мамлакатлар (Украина, Германия) қонунчилиги таҳлил қилиниб, телекоммуникация хизматини кўрсатиш тушунчасининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилади.

Диссертацияда келтирилишича, хизмат кўрсатиш тизимида телекоммуникация хизматлари ўзига хос ўрин тутади. Телекоммуникация хизматлари фуқаролар ва жисмоний шахсларга ахборот алмашинув ва у билан ишлашнинг технологик жиҳатдан тез ва самарали усулини тақдим этиш орқали, ахборотни узатиш, олиш, қайта ишлаш ва жўнатишга доир эҳтиёжларни қаноатлантиради. Хизмат кўрсатишнинг анъанавий шакллари алоқа, тиббиёт, таълим, маслаҳат ва шу кабилардан фарқ қилиб, телекоммуникация хизматлари буюртмачи ва ижрочининг жисмоний боғланиши (уларнинг ўзаро суҳбати, биргаликда ишлаши ёки муайян туташтирилган тармоқ орқали) эмас, балки электромагнит майдонида ахборотларни узатиш хизматини кўрсатишни назарда тутади.

Тадқиқот ишида телекоммуникация хизматларининг хизмат кўрсатиш муносабати тизимида тутган ўрни борасида қатор ҳуқуқшунос олимлар (Н.С. Нарматов, Е.Г. Шаблова, Р.Х. Хурсанов, П.У. Кузнецова, J. Cahir)нинг фикрлари ўрганилди. Телекоммуникация хизматларининг объекти ахборот ва уни етказиб бериш билан бевосита алоқадор бўлиб, бунда унинг натижаси муайян ахборот оқимини етказиб бериш, қабул қилиш, қайта ишлаш ва узатиш билан боғлиқлиги асослантирилади.

Муаллифнинг ёзишича, телекоммуникация хизматлари, умуман, телекоммуникация соҳаси ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида белгиланганлиги ҳамда бу борадаги қонун нормалари шакллантирила бошлаганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Бу борадаги дастлабки ҳужжатлар ўтган асрнинг бошларида қабул қилинган АҚШ Конгрессининг 1912 йилдаги “Радио тўғрисида”ги қонуни билан боғлиқдир. Диссертацияда телекоммуникация тўғрисидаги миллий қонунчилик ҳужжатлари билан бирга Европа Иттифоқининг кўплаб директивалари ва Европа Электрон Коммуникация кодекси таҳлил этилиб, миллий қонунчиликни

такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилади. Хусусан, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Стратегияси доирасида Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникация кодекси”ни қабул қилиш таклифи илгари сурилган.

“Телекоммуникация хизматларининг шартномавий-ҳуқуқий тартибга солинишининг ўзига хос жиҳатлари” деб номланган иккинчи бобда телекоммуникация хизматлари соҳасидаги шартномаларнинг умумий тавсифи, телекоммуникация хизматлари соҳасидаги шартномалар тизимининг илмий-амалий таҳлили, телекоммуникация хизматлари соҳасидаги айрим шартномаларни тузишнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.

Телекоммуникация хизматлари соҳасида ҳам операторлар, провайдерлар ёки алоқа компанияларининг ўзаро муносабатлари ҳамда уларнинг мижозлар билан бўладиган муносабатлари шартномалар тузиш йўли билан белгиланади. 2021 йил 1 июль ҳолатига Ўзбекистонда ахборот ва алоқа соҳасида 710 та тадбиркорлик субъекти[1] фаолият юритмоқда. Мазкур субъектлар томонидан тузиладиган телекоммуникация хизмати шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, уларга риоя этиш ва тегишли хизматни амалга ошириш тартибини назарда тутади. Диссертацияда телекоммуникация соҳасидаги шартномалар тизимига оид олимлар (И.И. Козлов, Р.Х. Хурсанов, Б.Ибратов, Т.А. Мўминов, М.И. Брагинский, Л.В. Санникова)нинг фикрлари таҳлил этилиб, телекоммуникация хизмати кўрсатиш шартномасига оид қоидаларни аниқлаштириш ва телекоммуникация соҳасида тузилаётган хизмат кўрсатишга оид шартномалар учун хос бўлган умумий жиҳатларни ифодалаш мақсадида икки хил вариант таклиф этилади. Шунингдек, диссертант телекоммуникация тизимида тузиладиган шартномаларнинг иккинчи томони сифатида қайси субъект иштирок этишидан келиб чиқиб, мижозлар ва мижоз бўлмаганлар шартномаларини ажратишни таклиф этади. Ишда “қора толалар” деб шартли ном билан аталадиган шартнома ҳамда бир қатор соҳага оид бошқа шартномаларнинг умумий тавсифи келтирилади ҳамда телекоммуникация соҳасидаги дистрибьюторлик хизматларининг ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб, ФКга дистрибьюторлик шартномасига оид боб ва тегишли моддалар киритиш таклифи асослантирилади. Бундан ташқари, диссертацияда телекоммуникация хизматларини кўрсатувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг мазкур фаолияти юзасидан жавобгарлик белгилаш муаммолари ўрганилиб, муаллиф томонидан ФКга “Мусиқа асарлари (матн билан ёки матнсиз), адабий асарлар, аудио-видео асарлар, ижро ёзувлари ва фонограмма ёзувларини рақамли шаклда идентификация қилиш ва қайд этишнинг ахборот тизими” номли моддани киритиш ғояси илгари сурилади.

Телекоммуникация соҳасидаги айрим шартномаларни тузиш хусусиятлари тадқиқ этилиб, диссертант томонидан ФКга “Талаб бўйича бажариладиган шартнома (абонентлик шартномаси)”, “Ҳошияли шартнома” номли алоҳида шартномалар киритиш таклифи асослаб берилган ва ушбу моддаларнинг таҳрири ишлаб чиқилган. Қолаверса, ишда телематик

[1] https://data.gov.uz/ru/datasets/17702?dp-1-page=2

хизматлар кўрсатиш шартномасининг моҳияти ҳам ёритилган.

“Телекоммуникация хизматларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш ва бу соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш” деб номланган учинчи бобда телекоммуникация хизматларининг бир тури сифатида интернет хизматларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, телекоммуникация хизматлари соҳасидаги шартнома шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш муаммолари, телекоммуникация хизматлари соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш таҳлил қилинган.

Интернетга уланиш ва интернет хизматлари кўрсатиш шартномаси телекоммуникация соҳаси хизматларининг бир тури сифатида тузилади ҳамда амалга оширилади. Бунда телекоммуникация соҳаси провайдери тегишли абонент (жисмоний ва юридик шахс) билан интернет хизматларига уланиш ва муайян хизматлар туркуми (пакети)ни тақдим этиш тўғрисида шартнома тузади. Диссертацияда интернет хизматини кўрсатиш шартномаси тузиш юзасидан кўплаб олимлар (В.А. Паршенцев, И.Р. Рустамбеков, Қ.М. Меҳмонов, А.И. Савелиев, Ш.К. Гаюров) фикрлари таҳлил этилади. Муаллифнинг ёзишича, интернет хизматлари кўрсатувчи провайдернинг асосий вазифаси маълумотлар алмашишни сифатли таъминлаш ёки мижоз (хизмат олувчи)га маълумотларни узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш ва сақлаш учун виртуал майдонда имконият яратиш ҳисобланади. Бунда буюртмачи (мижоз)нинг қарама-қарши мажбурияти пудратчи (интернет провайдер)га топшириқ бериш, фойдаланиш учун потенциал маълумотларни тақдим этиш ва кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлашда ифодаланади. Фуқаролар ва интернет-компаниялар ўртасида тузилган шартномаларнинг асл мақсади абонент (фуқаро)ни глобал тармоққа улаш ва белгиланган ҳақ эвазига ундан узилишларсиз, бенуқсон ва тегишли сифатда фойдаланишни тақдим этишдир.

Шунингдек, диссертацияда Европа Парламенти ва Кенгаши 2015 йил 25 ноябрда ЕИнинг № 2015/2120 Регламенти (Очиқ Интернет тўғрисидаги низом) ўрганилиб, роуминг хизматлари учун алоҳида ҳақ тўлаш бекор бўлиши ҳақидаги фикрларга муносабат билдирилган. Диссертацияда келтирилишича, “Интернет-провайдер” интернет хизматларини таклиф қилувчи шахс ҳисобланади. Интернет провайдерлар томонидан тақдим этиладиган хизматлар турли тоифаларга бўлиниши мумкин: Интернетга кириш, веб-сайтлар, электрон почта, янгиликлар гуруҳлари ва суҳбат. Бундан ташқари, ёрдамчи хизматлари, доменни рўйхатдан ўтказиш каби кўплаб ихтиёрий хизматлар мавжуд, масалан, антивирус дастурларини тақдим этиш хизмати. Ушбу функциялар интернет провайдер хизматларининг асосий тоифалари саналади. Бундан ташқари, АКТдан тўғри фойдаланишнинг умумий тамойиллари – мавжудлиги, махфийлиги, яхлитлиги, ҳақиқийлиги, эгилувчанлиги ва шаффофлиги – бу воситалар Интернет-провайдер шартномаларининг ҳуқуқий жиҳатдан тавсифлайдиган мезонларидир.

Ишда телекоммуникация хизмати кўрсатиш шартномасининг бузилиш ҳолатлари сифатида қуйидаги масалалар таҳлил этилади: назарда тутилган:

абонентнинг тармоқдан фойдаланишни таъминлаш муддатини бузиш; телекоммуникация хизматларининг шартномада назарда тутилган барча турларини тақдим этмаслик; хизмат сифатига оид талабларнинг бузилиши; тегишли ахборотни тақдим этиш шартларини бузиш; абонент тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш талабларини бузиш. Диссертант телекоммуникация операторлари (провайдерлари) мижозларининг кўп сонли эканлиги, телекоммуникация хизматини кўрсатиш бўйича ўз мажбуриятини бажармаслик (шу жумладан, уларни бажариш муддатларини ўтказиб юбориш)нинг барча оқибатларини олдиндан кўришнинг имконсизлиги оператор (провайдер)ларнинг жавобгарлигини чеклашни тақозо этади, деган хулосага келади. Зеро, бу борада хорижий мамлакатларда шаклланган амалиётга кўра, ахборот технологиялари соҳасидаги шартномалар (IT contracts)ни тузиш ва бажариш бой берилган фойда шаклидаги зарар, шунингдек, шартнома тузиш пайтида тараф оқилоналик билан олдиндан кўра олмаган зарарлар (consequential loss) қопланмайди. Етказилган зарарни қоплаш қоидалари телекоммуникация провайдери йўл қўйган айрим камчиликларга қўлланилиши назарда тутилган. Улар жумласига қуйидагилар киради: 1) телекоммуникация оператори ва провайдери шартномани бажариши билан боғлиқ ҳолатда ўзига маълум бўлган абонент-фуқарога оид маълумотларни тарқатишга нисбатан белгиланган чеклашлар бузилганда; 2) шартномада назарда тутилган телекоммуникация хизмати кўрсатиш муддатлари бузилганда. Сифатсиз телекоммуникация хизмати кўрсатилган ҳолларда мижоз кўрган зарарлар ҳажми миқдорида зарарни қоплаш назарда тутилади. Ишда ахборот воситачисининг интеллектуал мулк ҳуқуқига риоя қилмаганлиги учун жавобгарлигини аниқлаштирувчи қоидаларни ФКга киритиш таклиф этилади.

Ҳозирги босқичда янгидан-янги телекоммуникация хизматларининг турлари пайдо бўлмоқда. Жумладан, спутник алоқаси хизмати, интернет тармоғи орқали маълумотлар узатиш хизмати, telegram, shareit, skype ва ҳ.к. Албатта, бу ўринда шартнома мажбуриятларини бажариш, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказмаслик, уларнинг ҳимоясини ишончли таъминлаш долзарб масалалардан биридир.

Муаллифнинг ёзишича, истеъмолчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш оператор (провайдер)га нисбатан тегишли мулкий жавобгарликни юклашга сабаб бўлади ва ундирилган товон миқдори ҳимоя усули ҳисобланади. Телекоммуникация оператори ва провайдери томонидан кўрсатилган хизматларнинг сифатсизлигига нисбатан ҳимоя ва жавобгарлик чораларини қўллаш бир қадар мураккаб саналади, чунки бу ҳолатда оператор ва провайдер тақдим этган хизматнинг сифатсизлиги, яъни мазкур мажбурият бузилганлигини қайд этиш анча мушкул. Бу эса, ўз навбатида, мижознинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишни қийинлаштиради. Чунки провайдерни жавобгарликка тортиш учун хизматнинг сифатсиз эканлигини исботлаш лозим. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларида хизмат номоддий (ноашёвий) тус касб этганлиги сабабли ҳам сифат масаласини аниқлаш муаммолидир.

ХУЛОСА

“Телекоммуникация хизматларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш” мавзусида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий-назарий ва қонун ижодкорлигини такомиллаштиришга оид хулосаларга келинди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1.1. Телекоммуникациялар деганда, ҳуқуқий муносабат объекти сифатида комплекс тусга эга бўлган, турли ҳуқуқ соҳаларининг предмети таркибига кирадиган элементларни ўзида қамраб олган ва шу сабабли у билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда ҳам мазкур соҳа методларидан фойдаланиладиган, хизмат объекти сифатида алоҳида комплекс хизмат турларини қамраб оладиган фаолият соҳаси тушунилади. Телекоммуникация ҳуқуқий муносабат объекти сифатида белгиланганда, унинг муомалада бўлиши билан боғлиқ масалалар, асосан, фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади.

1.2. Юридик нуқтаи назардан телекоммуникация хизмати деганда, ахборот (товуш, тасвир, ёзувли матн, белги ёки ҳар қандай усулда англаш имкони мавжуд бўлган бошқа кўринишдаги ахборот)ни сигналлар кўринишида электромагнит тизимлари (телекоммуникация тармоқлари) бўйича йўллаш (қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва бошқа кўринишда намоён этиш) тушунилади.

1.3. Хизматлар бозорининг бугунги ривожланиш даражаси хизматларнинг янги ноанъанавий гуруҳи шаклланишига олиб келди. Шу боис диссертацияда фуқаролик-ҳуқуқий таснифланиши нуқтаи назаридан хизматларнинг ноанъанавий гуруҳи хизматларини бошқа гуруҳларидан алоҳида ажратиш таклиф этилади ва ушбу гуруҳда телекоммуникация хизматлари марказий ўринни эгаллаши асослантирилади. Айни пайтда мазкур гуруҳга алоқа хизматини ҳам киритиш мумкин. Бундан ташқари, ноанъанавий хизмат турларига замонавий технологик ускуналар ва воситалардан фойдаланиш йўли билан буюртмачи қабул қиладиган хизматларни киритиш лозим.

1.4. Мамлакатимиз миллий қонунчилигига телекоммуникация хизматларининг ўзига хос янги тури бўлган ОТТ хизматларини тақдим этишнинг ҳуқуқий асосларини киритиш ва бунда Интернет орқали видео тасвирларни узатишнинг замонавий усулини қонунчилик даражасида эътироф этиш ҳамда уни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бугунги кунда кенг тарқалган анъанавий IPTVдан фарқли ўлароқ, ОТТ усулида телекоммуникация хизматлари кўрсатиш муносабатлари тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, улар ўртасида тузиладиган шартномаларга оид қоидалар ишлаб чиқиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ифода этиш Ўзбекистоннинг яқин истиқболи учун муҳим аҳамиятга касб этади.

1.5. Бугунги кунда “телекоммуникация ҳуқуқи”ни комплекс ҳуқуқ тармоғи сифатида шакллантириш, ушбу ҳуқуқ тармоғининг предмети ва методларини аниқлаштириш ҳамда соҳадаги қонунчиликни тизимлаштириш

учун етарли ҳуқуқий замин мавжуд. Шу сабабли “Телекоммуникация ҳуқуқи”ни – ахборотнинг реал ва виртуал маконда ҳаракатланишига оид муносабатларни белгилайдиган ва тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси сифатида талқин этиш ўринли бўлади.

1.6. ФКнинг 703-моддаси иккинчи қисмида телекоммуникация соҳасининг моҳиятига мос келадиган икки турдаги хизмат тури, яъни “алоқа хизмати” ва “ахборот хизматлари” келтирилган. Телекоммуникация фаолияти ҳамда ушбу хизмат турининг “алоқа” ёки “ахборот” хизматидан қайси бирига мансублиги масаласи бир қадар баҳслидир. Ушбу ноаниқликни бартараф этиш мақсадида, мазкур моддадаги “алоқа” ёки “ахборот” терминлари ўрнига “телекоммуникация”ни киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки “телекоммуникация” айни пайтда ўз таркибига “алоқа” ва “ахборот” хизматларини тўлиқ қамраб олади.

1.7. Телекоммуникация хизмати кўрсатиш шартномасига оид қоидаларни аниқлаштириш ва телекоммуникация соҳасида тузилаётган хизмат кўрсатишга оид шартномалар учун хос бўлган умумий жиҳатларни ифодалаш мақсадида икки хил вариант таклиф этилади. Биринчи вариантда телекоммуникация хизмати кўрсатиш шартномасини ФКнинг “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” деб номланадиган 38-боби таркибидан чиқариш ва алоҳида “Телекоммуникация хизмати кўрсатиш шартномаси” номли бобни киритиш таклиф қилинса, иккинчи вариантда “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” деб номланадиган 38-бобда алоҳида “Телекоммуникация хизмати кўрсатиш шартномаси” номли параграф киритиш таклифи илгари сурилади.

1.8. Телекоммуникация хизмати кўрсатиш шартномаси деганда, телекоммуникация компанияси техник имконият мавжуд бўлганда мурожаат қилган ҳар қандай шахс (мижоз)га телекоммуникация хизматларини кўрсатиш мажбуриятини, мижоз эса ушбу хизматлар ҳақини тўлашни зиммасига оладиган шартнома тушунилади.

1.9. Телекоммуникация хизматлари кўрсатишда “қора толалар” деб аталадиган шартнома типини қўллаш ва турдош шартномалардан ажратиш таклиф этилади. “Қора толалар” деб номланадиган шартнома ўзининг моҳиятига кўра телекоммуникация хизматларини тақдим этишга мўлжаллаган кабеллар ва симлар, алоқа линияларини жойлаштириш муносабатларини ифодалайди. Мазкур шартномани телекоммуникация соҳасидаги алоҳида шартнома сифатида белгилашни қуйидаги омиллар билан асослаш мумкин: биринчидан, кабеллар юзлаб километрга тортилиши мумкин ва кабелларни ётқизишнинг аниқ схемасини чизиш мумкин эмас; иккинчидан, “аренда”га тақдим этилган ядрони алоқа линияси бўйича тортилган кабелнинг бутун узунлиги бўйича ўлчаш қийин, балки имконсиздир. Мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқи мол-мулкнинг мулкдорига тегишлидир. Кабель бошқага эмас, айнан шу шахсга тегишлилигининг тасдиғини қоидага кўра тақдим этишнинг имкони йўқ. Қолаверса, бугунги кунда бундай иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқининг кимга тегишлилигини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳам мавжуд эмаски, бу ҳолат, ўз навбатида, кабел линияларининг мулкдорлари, мазкур мулкдорларнинг ҳуқуқ

ва мажбуриятларини белгилашда турли тушунмовчиликларни юзага келтириши мумкин.

